

## WAYS OF ECONOMIC INCENTIVES TO INCREASE EMPLOYMENT THROUGH FORMAL EMPLOYMENT

Boltaev Burkhon Sadinovich,  
Researcher of SamSU

Hakmuradov Salohiddinbek,  
3rd year Student of SamSU

### Abstract

The article examines the problem of reducing employment in the informal economy in the context of innovative development.

**Key words:** informal employment, poverty, poverty reduction, wage compensation, retraining, employment.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 2 млрд.дан ортиғи норасмий иқтисодиётда иш билан банддир. Булар, жами иш билан бандларнинг 62 %ни ташкил этади. Норасмий иш билан бандлик паст ривожланган мамлакатларда 90,0 %га яқинни, ўрта ривожланган мамлакатларда 67,0 % ва ривожланган мамлакатларда 18,0 % атрофида ташкил этади.

Халқаро меҳнат меъёрлари барчани қамраб олишга қаратилиб, инсон ҳуқуқлари, имкониятлар тенглиги, ҳар кимнинг соғлиғи ҳолатини эътиборга олган ҳолда ҳеч камситишларсиз адолатли сиёсат олиб боришга хизмат қилади. Бу эса асосан инқирозларга норасмий иқтисодиётни инобатга олган ҳолда самарали қарши курашиш имконини беради. ХМТ тавсияларига кўра, инқирозли вазиятларда муносиб иш ўринларини таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- барчага молиявий кўмак ва тиббий хизматларда фойдаланиш имконини яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш;
- кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш;
- иқтисодиёт ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, расмий фаолият олиб боришга ундаш орқали расмий иш ўринларини яратиш;
- расмий иқтисодиётга ўтишни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозорида 13,5 млн киши банд бўлиб, улардан 5,7 млн киши расмий ва 7,8 млн киши норасмий секторда, шу жумладан, 2,6 млн киши меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилмоқда.

Жаҳон Банки томонидан берилган маълумотларга кўра Коронавирус пандемияси ва қўлланилган карантин чоралари таъсирида юзага келган иқтисодий инқироз туфайли, пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 20%га кескин тушади. Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари сонидан келиб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич 500 мингдан кўпроқ киши коронавирус пандемияси таъсирида доимий иш жойларига кетолмай қолиш эҳтимоли юқори. Аксарият ҳолларда норасмий секторда бандлар кўрсаткичи кишлоқ жойларида кўпроқ бўлиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда ҳам кўриниб турибди.

Норасмий иқтисодиётдаги иш билан бандлар ҳамда корхоналар пандемия шароитида инқирозга учраши мумкин бўлган энг заиф қатлам ҳисобланади. Ушбу қатламни қўллаб-қувватламаслик меҳнат бозори инқирозга юз тутиши ҳамда камбағаллик даражасини ошишига олиб келиши мумкин. Молиявий технологиялар, касаба уюшмалари, иш берувчилар, бизнес вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ҳамжиҳатликда ишни ташкил этиши орқали норасмий иш билан бандларни қамраб олиши мумкин. Муносиб рағбатлантириш имкониятлари, техник кўмаклашиш қисқа ва узоқ муддатда норасмий корхоналарни расмийлаштириш имконини беради. Ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарда норасмий иқтисодиётни қисқартириш чора-тадбирлари оқибатларини юмшатиш ушбу корхоналарнинг норасмий секторга яна қайтишини олдини олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги ўн йиллик шуни исботладики, иқтисодиётда норасмий секторнинг юқори улуши камбағалликни қисқартириш, муносиб иш ўринларини таъминлаш ва барқарор ривожланиш учун катта тўсиқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида 2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларда норасмий иш билан бандлик кўрсаткичларини қисқартириш масаласи инобатга олинишини асослайди (Барқарор ривожланиш бўйича 8-мақсад – доимий, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, тўлиқ ва самарали иш билан бандлик ва барча учун муносиб иш ўринлари). Коронавирус пандемияси норасмий иқтисодиётда меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахсларни заифлиги ва ҳимояланмаганлигини, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида норасмий иш билан бандликни расмий иш билан бандликка ўтказишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланиши заруратини намоён этди.

Иқтисодиётни тиклаш бўйича чора-тадбирлар норасмий иқтисодиётни қисқаришига олиб келмайди, бу йўналишда ҳам зарурий давлат сиёсатини юритиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда коронавирус пандемияси даврида ишсиз қолган фуқароларни жамоат ишларига жалб этиш, тадбиркорлар ва фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш, такрорий экин учун ер ажратиш, касаначиликни йўлга қўйишда кўмаклашилмоқда.

Бугунги кунда масофадан туриб, Интернет орқали дизайнерлик, таржимонлик, дастурлаш, реклама, репетиторлик каби хизматлар кўрсатиш имконияти мавжуд. Лекин бундай мутахассислар, яъни фрилансерлар учун масофадан ҳисоб рақами очиш, почта, тўловларни қабул қилишда қатор тўсиқлар мавжуд. Шу сабабли бундай фаолият турлари учун имтиёз ва преференциялар бериш, ёшларни Интернетдан фойдаланиб, ақлий меҳнат орқали даромад топишга ўргатиш, соҳани ривожлантириш учун хорижда оммабоп бўлган тўлов тизимларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда дунё бўйича коронавирус пандемиясига қарши 400 дан зиёд дастурлар қабул қилиниб амалда фойдаланилмоқда. Энг кўп фойдаланилаётган усул бу ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий қафолатлар ва меҳнат бозоридаги чора-тадбирлар. Ушбу дастурлар қуйидагилардан иборат: ижтимоий ҳимоя дастурлари: мақсадли моддий ёрдам; бир марталик пул кўринишидаги тўловлар; болага қараш учун нафақа; жамоат ишлари; ваучерлар ва моддий ёрдам; ижтимоий нафақа; мактаб овқатлари; кечиктирилган молиявий мажбуриятлар ва коммунал тўловлар; тиббий суғурта; пенсия; ижтимоий суғурта бадалларини кечиктириш; ишсизлик нафақалари; пуллик меҳнат таътили; тиббий суғурта.

Иш билан бандликни қўллаб-қувватлаш дастурлари: иш ҳақини компенсациялаш; ишга яроқли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш; назорат дастакларини соддалаштириш; иш вақти давомийлигини қисқартириш.

Ишсизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни самарали қўллаб-қувватлаш коронавирус эпидемияси шароитида давлатнинг муҳим вазифасидир.

Бизнинг фикримизча, қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишда вақтинча ишсиз қолган ишчиларни (корхоналарни тўхтатиб қўйиш ёки уларнинг банкротлиги), вақтинча ишлаган бошқа давлатлардан келганларни, ҳаттоки чет элда бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали чораларни тайёрлаш муҳимлигини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, доимий иш ўрнига эга бўлмаганлар (мавсумий ишчилар, мардикорлар) тегишли давлат ёрдамисиз қолмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу фуқаролари гуруҳи зарур товарлар ва хизматларни (озиқ-

овқат, уй-жой, коммунал хизматларни сотиб олишлари ва керак бўлганда тиббий хизматлардан фойдаланишлари) сотиб олишлари учун барча имкониятлар яратилиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020.
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У. ва бошқ. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истикболлари (монография). - Тошкент: “Fan va technologya” нашриёти, 2017, -130 бет.